

№ 09-01/42
17.01.2022й.



**Навоий вилоятидаги корхона ва ташкилот, муассасалардаги ҳодимлар
ўртасида мини футбол (футзал) бўйича “Вилоят ҳокими кубоги”
мусобақасини ўтказиш бўйича
НИЗОМИ**

1.МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон фармони ижросини таъминлаш вилоятдаги корхона ва ташкилот, муассасалар ишчи-ҳодимлари ҳамда маҳаллалардаги фаоллар ва нуронийлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ҳамда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида эркаклар ўртасида мини-футбол (футзал) бўйича “Вилоят ҳокими кубоги” мусобақасини 2022 йилда тизимли ўтказиш.

2.МУСОБАҚАНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ.

Мусобақа вилоят ҳокимлиги томонидан ташкилаштирилиб вилоят туризм ва спорт бош бошқармаси ва вилоят футбол ассоциацияси томонидан ўтказилади.

Мини футбол (футзал) бўйича “Вилоят ҳокими кубоги” мусобақалари Навоий шахридаги “КИМЁГАР” ҳамда Навоий шаҳар 1 БЎСМга қарашли спорт мамуасида ҳар шанба ва якшанба кунлари (шанба ва якшанба кунлари соат 09:00 дан, 18:00 гача вилоят футбол ассоциацияси тасдиқлаган режа-жадвал асосида) ўтказилади.

**3.МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ ВА
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.**

Мусобақага мазкур Низом талабларига жавоб берса оладиган вилоятнинг корхона ва ташкилот, муассасалар футбол жамоалари таклиф этиладилар.

Ўйинлар соддалаштирилган мини-футбол (футзал) қоидаси асосида олиб борилиб, майдонда битта дарвозабон ва тўртта ўйинчи иштирок этади.

Майдондаги ўйинчилар ўйин протоколига киритилган захирадаги футболчилар билан алмаштирилишлари мумкин. Ўйинчи алмаштиришда қайта ўйинчи алмаштиришга, яъни дам олган футболчини яна майдондаги жамоадоши ўрнига майдонга тушишига рухсат берилади.

Мусобақа иштирокчилар сонига қараб қуръа ташлаш маъросими ўтказилиб, мусобақа олимпия тизимида ўтказилади мағлуб бўлган жамоалар мусобақани тарқ этади.

Кейинги босқичда ғолибликни қўлга киритган жамоалар кейинги босқичда иштирок этишиб, ғолиб жамоа аниқланади.

Мусобақа 2022 йилнинг 24 январдан бошланади, ҳар бир жамоаларнинг корхона раҳбари муҳри билан тасдиқланган буюртмалари вилоят футбол ассоциациясида жорий йилнинг 19 январь куни соат 17:00 га қадар қабул қилиниб, 20 январь санасида қуръа ташлаш маросими ўтказилади.

4. МУСОБАҚА ИШТИРОКЧИЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ФУТБОЛЧИЛАРИНИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Мусобақа иштирокчилари раҳбарлари ва футболчилари ушбу низомга тўлиқ риоя қилишлари, интизомли бўлиш, рақибларни, ҳакамларни, мухлисларни ҳурмат қилишлари шарт.

Мусобақа иштирокчи жамоалари раҳбарлари ҳакамлар ишига аралашмаслиги ва ўз футболчиларидан ҳам шуни талаб қилишлари шарт.

Иштирокчи жамоалари раҳбарлари, футболчилари тартиб ва интизомни бузганда ҳакамлар кенгashi томондан мусобақадан четлаштирилиб, келгусида мусобақага жалб қилинмайди.

5. МУСОБАҚА ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

Мусобақа 40 дақиқа давом этиб (икки бўлим, ҳар бир бўлим 20 дақиқадан иборат) бўлимлар орасидаги танаффус 5 дақиқа бўлади;

Ҳар бир жамоа футболчилари ўз либосида рақамга эга бўлади;

Сабабсиз учрашувга келмаган жамоага - : + ҳисобида техник мағлубият ёзилади. Рақиб жамоага эса + : - ҳисобида техник ғалаба берилади;

Агарда рақиблар учрашувга сабабсиз камида 20 дақиқа кеч қолган жамоага техник мағлубият ёзилади ва рақиб жамоага эса техник ғалаба берилади;

Учрашувни давом эттиришдан бош тортган ҳамда ўйин якунланмасдан майдонни тарқ этган ёки четлатилган футболчи (бир неча футболчини) майдондан чиқиши истамаган жамоага ҳам техник мағлубият ёзилади. Рақиб жамоага эса техник ғалаба ёзилади;

Дисквалификация қилинган ёки учрашув қайдномасида қайд қилинмаган футболчи учрашувда қатнашса, бу жамоага техник мағлубият ёзилади ва рақиб жамоага эса техник ғалаба берилади;

Майдонга чиқиши олдидан учрашув бош ҳаками белгиланган тартиб асосида футболчиларнинг хужжатларини текширади;

Барча иштирокчиларда махсус анжомлар, яъни ҳимоя қисми, резинали оёқ кийими, либосларда майдонда ҳаракат қилишлари шарт.

Иккала жамоанинг либослари ранги бир хил бўлганида расмий меҳмон бўлган жамоа либосини алмаштиради.

6. ҲАКАМЛАР.

Мусобақани вилоят футбол ассоциацияси томонидан белгиланган ҳакамлар бошқариб боришади.

Мини футбол (футзал) бўйича вилоят ҳокими кубоги мусобақалари футзал ўйинининг соддалаштирилган қоидалари асосида олиб борилиб, учрашувни икки ҳакам, координатор ва назоратчи ҳакам бошқариб боради.

Ҳакамлар ҳар бир ўйинни одилона бошқариб бориш учун шахсан масъулдирлар.

7. НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШ ТАРТИБИ.

Турнир қисқа фурсат ичida ўтказилиши муносабати билан барча келиб чиққан келишмовчиликлар жойида Ўзбекистон футбол ассоциацияси регламенти талабларига риоя қилинган ҳолда бош ҳакам, ташкилий қўмита томонидан ҳал этиб борилади.

Эътиroz берадиган тренер ёзиладиган эътиroz тўғрисида ракиб жамоа ва бош ҳакамни аввалдан огохлантириши керак ва бу ҳакда ҳакам учрашув қайдномасига ёзib қўйиши лозим.

Тренер имзоси билан тасдиқланган эътиroz учрашув якунлангандан кейин 2 соат давомида ҳужжатлар мусобақа ҳакамлар хайъатига юборилади.

Белгиланган вақтдан ўтиб юборилган эътиroz қабул қилинмайди.

Эътиroz ёзган томон, у ерда ёзилган барча факт ва ракамларни видео лавҳалар орқали исботлаб бериши керак.

Эътиroz қуидаги ҳолатларда кўриб чиқилмайди:

ҳакамлар томонидан 6 метрлик жарима тўпи белгиланганлиги ва белгиланмаганлиги;

дарвоза тўғри ёки нотўғри ишғол қилинганлиги;
ортиқча вақт ўйналганда.

Эътиroz қуидаги ҳолатларда кўриб чиқилади:

учрашув қайдномасига киритилмаган футболчи майдонга тушганида;
майдондан четлатилган футболчи майдонга туширилганида.

8.ХАРАЖАТЛАР.

Мусобақа иштирокчиларининг харажатлари (овқатлантириш, йўл харажатлари) мусобақага юборувчи ташкилотлар томонидан тўланади;

мусобақани бошқариб борган ҳакамларга ҳамда мусобақада ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларга эсдалик совғаларни киритилган смета асосида вилоят Молия бош бошқармаси ва вилоят Туризм ва спорт бош бошқармаси томонидан ажратилади.

9.ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ.

Жамоалар рўйхатига 12 футболчи ва 2 та вакил киритилади. Рўйхат тиббиёт муассасаси ва маъмурият томонидан тасдиқланган бўлиши керак.
(2021 йил Суперлига, Пролига, 1-лига, ва футзал олий лига ва 1-лига чемпионатларда иштирок этган ва этадиган футболчилар, 3 ойдан кам

бўлган иш стажига эга ҳодимлар) "Ҳоким кубоги" мусобақасида иштирок этмайди.

10. МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖОЙЛАРДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БҮЙИЧА ТЕГИШЛИ ЧОРАЛАРНИ КЎРИШ.

Ўзбекистон миллий гвардияси вилоят бошқармаси (Б.Усмонов), вилоят ИИБ (А.Тасбаев) тадбир ўтадиган жойларда жамоат тартибини саклашда амалий ёрдам кўрсатиш;

Вилоят соғлиқни саклаш бошқармаси (З.Расулов), вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Р.Хасанов) тадбир ўтказиладиган жойларда тиббий хизмат ҳамда санитария-гигиена нормалари ва талабларига риоя этилишини ташкил этиш.

11. ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҚДИРЛАШ.

Мусобақа иштирокчилар сонига қараб қуръа ташлаш маъросими ўтказилиб, мусобақа олимпия тизимида ўтказилади ютқазаган жамоалар мусобақани тарк этади.

Кейинги босқичда ғолибликтини қўлга киритган жамоалар ўйинларида иштирок этишиб, ғолиб жамоани аниқланади.

Учрашув асосий вақтида дуранг натижа қайд этилса, ўйиннинг асосий вақти якунлангач, жамоалар 6 метрлик нуқтадан 3 тадан жарима тўпи тепишиади, бунда хам кучлар teng келса, 6 метрлик жарима тўпларини тепиши ғолиб жамоа аниқлангунча давом эттирилади.

Ярим финал ва финал ўйинларида ғолибларни аниқлаш учун учрашувнинг асосий вақтида дуранг натижа қайд этилса, ўйиннинг асосий вақти якунлангач, жамоалар 6 метрлик нуқтадан 3 тадан жарима тўпи тепишиади, бунда хам кучлар teng келса, 6 метрлик жарима тўпларини тепиши ғолиб жамоа аниқлангунча давом эттирилади.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчиларнинг қубок, медаллар дипломлари ва эсадалик совғалари билан тақдирланадилар.

Вилоят ҳокими ўринбосари

С.Мирзаев

НАМУНА

**Мини футбол (футзал) бўйича “Вилоят ҳокими кубоги” мусобақасида
иштирок этувчи ходимлар**

ТАЛАБНОМАСИ

| № | Фото | Ф.И.Ш | Туғилгган йил | Паспорт маълумоти | Яшаш манзили | Иш жойи | Шифокор рухсати |
|---------------------------------|------|-------|---------------|-------------------|--------------|---------|-----------------|
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | |
| 8 | | | | | | | |
| 9 | | | | | | | |
| 10 | | | | | | | |
| 11 | | | | | | | |
| 12 | | | | | | | |
| Жамоа раҳбари ва тренери | | | | | | | |
| 13 | | | | | | | |
| 14 | | | | | | | |

Ф.И.Ш

Ташкилот раҳбари

_____Мухр_____

Ф.И.Ш

Шифокор

_____Мухр_____